



ISSN 2181-9297

Doi Journal 10.26739/2181-9297

**СЎЗ САНЪАТИ  
ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ**

---

**МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ  
ИСКУССТВО СЛОВА**

---

**INTERNATIONAL JOURNAL  
OF WORD ART**

№5 (2019)



TOSHKENT-2019

**Бош муҳаррир:**  
**Холбеков Муҳаммаджон**  
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Главный редактор:**  
**Холбеков Мухаммаджон**  
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

**Editor in Chief:**  
**Kholbekov Muhammadjan**  
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

**Бош муҳаррир ўринбосари:**  
**Тўхтасинов Илҳом**  
ф.ф.д., доцент (Ўзбекистон)

**Заместитель главного редактора:**  
**Тухтасинов Илхом**  
к.ф.н., доцент (Узбекистан)

**Deputy Chief Editor**  
**Tuhtasinov Ithom**  
Ph.D. Ass. Prof. (Uzbekistan)

**Таҳрир ҳайъати:**

**Редакционная коллегия:**

**Editorial Board:**

**Назаров Бахтиёр**  
академик. (Ўзбекистон)

**Назаров Бахтиёр**  
академик. (Узбекистан)

**Bakhtiyor Nazarov**  
academician. (Uzbekistan)

**Якуб Умарўғли**  
ф.ф.д., профессор (Туркия)

**Якуб Умар оглы**  
д.ф.н., профессор (Туркия)

**Yakub Umarogli**  
Doc. of philol. scien., prof. (Turkey)

**Алмаз Улви Биннатова**  
ф.ф.д., профессор (Озарбайжон)

**Алмаз Улви Биннатова**  
д.ф.н., профессор (Азербайджан)

**Almaz Ulvi Binnatova**  
Doc. of philol. scien., prof. (Azerbaijan)

**Боқиева Гуландом**  
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Бакиева Гуландом**  
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

**Bakieva Gulandom**  
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

**Миннуллин Ким**  
ф.ф.д., профессор (Татаристон)

**Миннуллин Ким**  
д.ф.н., профессор (Татарстан)

**Minnulin Kim**  
Doc. of philol. scien., prof. (Tatarstan)

**Махмудов Низомиддин**  
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Махмудов Низомиддин**  
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

**Mahmudov Nizomiddin**  
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

**Керимов Исмаил**  
ф.ф.д., профессор (Россия)

**Керимов Исмаил**  
д.ф.н., профессор (Россия)

**Kerimov Ismail**  
Doc. of philol. scien., prof. (Russia)

**Жўраев Маматкул**  
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Джураев Маматкул**  
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

**Juraev Mamatkul**  
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

**Куренов Рахиммамед**  
к.ф.н. (Туркменистон)

**Куренов Рахыммамед**  
к.ф.н. (Туркменистан)

**Kurenov Rakhimmamed**  
Ph.D. Ass. Prof. (Turkmenistan)

**Кристофер Жеймс Форт**  
Мичиган университети (АҚШ)

**Кристофер Джеймс Форт**  
Университет Мичигана (США)

**Christopher James Fort**  
University of Michigan (USA)

**Умархўжаев Мухтор**  
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Умархаджаев Мухтар**  
д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

**Umarkhodjaev Mukhtar**  
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

**Мирзаев Ибодулло**  
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Мирзаев Ибодулло**  
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

**Mirzaev Ibodulla**  
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

**Болтабоев Ҳамидулла**  
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Балтабаев Ҳамидулла**  
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

**Boltaboev Hamidulla**  
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

**Дўстмухаммедов Хуршид**  
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Дустмухаммедов Хуршид**  
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

**Dustmuhammedov Khurshid**  
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

**Лиходзиевский А.С.**  
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Лиходзиевский А.С.**  
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

**Lixodzievsky A.S.**  
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

**Сиддиқова Ирода**  
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Сиддикова Ирода**  
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

**Siddiqova Iroda**  
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

**Шиукашвили Тамар**  
ф.ф.д. (Грузия)

**Шиукашвили Тамар**  
д.ф.н. (Грузия)

**Shiukashvili Tamar**  
Doc. of philol. scien. (Georgia)

**Юсупов Ойбек**  
масъул котиб, доцент  
(Ўзбекистон)

**Юсупов Ойбек**  
доцент (Узбекистан)  
отв. секретарь

**Yusupov Oybek**  
Ass. prof. (Uzbekistan) - Senior  
Secretary

**Pagemaker | Верстка | Саҳифаловчи:** Хуршид Мирзахмедов

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амир Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

# МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

## Тилшунослик / Языкознание / Linguistics

- 1.Карабаева Б.Б.**  
КОГНИТИВ ТИЛШУНОСЛИК ЙЎНАЛИШЛАРИНИНГ ИЛМИЙ  
НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....5
- 2.Мавлонов О.А.**  
ЎЗБЕКИСТОНДА ТЕОЛИНГВИСТИКА.....11
- 3.Маннонова С.А.**  
РАСМИЙ ХАТЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ВА  
СУБЖАНРЛАРИ.....19
- 4.Мўминова Д.А.**  
ДЕЙКСИСНИНГ АСОСИЙ ХУСУСИЯТИ.....26
- 5.Тоирова Д.Ф.**  
ЭМИЛЬ ЗОЛЯНИНГ АСАРЛАРИДА КУНЛИК ФАОЛИЯТНИ ТАҲЛИЛ  
ЭТИШ.....38
- 6.Shukurova В.В.**  
NAZAR ESHONQUL NIKOYALARIDA KONTRAST USULINING  
AN'ANAVIY VA ZAMONAVIY ASPEKTLARI.....45

## Адабиётшунослик / Литературоведение / Literary criticism

- 7.Жуманова Д.Қ.**  
МУМТОЗ ҲАЗАЛЛАР ТАҲЛИЛИ ВА ТАЛҚИНИ.....52
- 8.Назаров С.Ҳ.**  
Й.В.ГЁТЕ "ФАУСТ" АСАРИДА КОНЦЕПТУАЛ МЕТАФОРА ТАҲЛИЛИ.....58
- 9.Шофиев О.**  
ЎЗ МУҲИТИГА СИФМАГАН ОДАМ ОБРАЗИ (Эркин Аъзам ижоди мисолида)..66
- 10.Юлдашева Д.М.**  
СИНТАКТИК ТАКРОРЛАРНИНГ БАДИИЙ- ЭСТЕТИК ИМКОНИЯТЛАРИ..75

## Таржимашунослик / Переводоведение / Translation Studies

- 11.Муҳамедов Х.А.**  
ЎЗБЕКИСТОНДА ТАРЖИМА НАЗАРИЯСИНИНГ ФАН СИФАТИДА  
ШАКЛЛАНИШИ (ҲАЙБУЛЛА САЛОМОВНИНГ "ТИЛ ВА ТАРЖИМА"  
МОНОГРАФИЯСИ МИСОЛИДА).....81

## МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

<b>12. Гулямова Г.Я.</b> БАДИЙ МАТН ТАРЖИМАСИДА ТРАНСФОРМАЦИОН МЕТОД ХУСУСИЯТИ.....	87
<b>13. Мирзаахмедова М.Й.</b> ТАРЖИМА ИЛМИ МАСАЛАСИ ЮЗАСИДАН ФИКРЛАР.....	94
<b>14. Улмасбаева М.А.</b> КОГНИТИВНЫЙ АНАЛИЗ НАЦИОНАЛЬНОГО КОЛОРИТА В ХУДОЖЕСТВЕННОМ ПЕРЕВОДЕ.....	105
<b>Санъат ва журналистика/ Искусство и Журналистика / Arts and Journalism</b>	
<b>15. Музаффарова С.Х.</b> МИЛЛИЙ ЭСТРАДА САНЪАТИ ТАРАҚҚИЁТИДА СЎЗ, МУСИҚА ВА ИЖРО УЙҒУНЛИГИ МАСАЛАЛАРИ (шоир, бастакор ва хонанда ҳамкорлиги мисолида).....	113
<b>16. Мусаева Н.А.</b> ХИТОЙ МАТБУОТИДА ЎЗБЕК-ХИТОЙ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ЁРИТИЛИШИ ("БИР МАКОН, БИР ЙЎЛ" ЛОЙИҲАСИ АСОСИДА).....	118
<b>17. Ходжиматова М.К.</b> СЎЗ САНЪАТИНИНГ МАЪНАВИЙ ҚУДРАТИ.....	123
<b>18. Ибрагимова У.</b> ЖОНЛИ СЎЗНИНГ САҲНАВИЙ ИФОДАВИЙЛИГИ.....	129
<b>Лингводидактика ва методика/ Лингводидактика и методика/ Linguodidactics and methodology</b>	
<b>19. Зоирова Д.А.</b> ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА КОММУНИКАТИВ-КУМУЛЯТИВ МЕТОД АСОСИДА ИНГЛИЗ ТИЛИНИ САМАРАЛИ ЎҚИТИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ.....	135
<b>20. Иканова Л.С.</b> БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА ОНА ТИЛИДАГИ МАТНЛАРНИ ЎҚИБ ТУШУНИШ КЎНИКМАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ.....	145
<b>21. Хасанова Д.К.</b> ХАЛҚАРО PIRLS БАҲОЛАШ ДАСТУРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АСОСИДА ЎҚИШ ВА ЁЗУВ САВОДХОНЛИГИНИ ОШИРИ.....	152
<b>22. Имамова У.М.</b> ЧЕТ ТИЛЛАРНИ ЎРГАНИШДА АКМЕОЛОГИК ЁНДАШУВЛАР ТЕХНОЛОГИЯСИ.....	162


---

**СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ**  
**МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА**  
**INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART**

---

**Мирзаахмедова Махлиё Йўлдошевна,**  
Тошкент давлат юридик университети ўқитувчиси

**ТАРЖИМА ИЛМИ МАСАЛАСИ ЮЗАСИДАН ФИКРЛАР**

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2019-5-13>

**АННОТАЦИЯ**

Мазкур мақалода таржима илми масаласи юзасидан фикрлар таҳлил қилинади. Зеро, таржима илмини таҳлил ва тадқиқ этиш, моҳир таржимонлар тажрибаларини умумлаштириш, янги ва янада мукамалроқ таржималар ўтмишдан то ҳозиргача бўлган ҳолатини ўрганиш долзарб масаладир.

**Калит сўзлар:** таржима, таржима илми, таҳлил.

---

**Мирзаахмедова Махлиё Йўлдошевна,**  
Преподаватель Ташкентского государственного юридического университета

**ОБЗОР НАУЧНОЙ ПРОБЛЕМЫ ПЕРЕВОДА**

**АННОТАЦИЯ**

В данной статье анализируется науки перевода и его проблемы. Так как ни одна наука не может существовать без учета и использования опыта прошлого, работ предшественников в соответствующей области, то в первую очередь необходимо использование и обобщение данных истории перевода и переводческой мысли, подведение известного итога борьбы взглядов и мнений по вопросам перевода.

**Ключевые слова:** перевод, наука перевода, анализ.

---

**Mirzaaxmedova Maxliyo Yuldosheva,**  
Lecturer at The Tashkent State Law University

**REVIEW OF THE SCIENTIFIC TRANSLATION PROBLEM**

**ANNOTATION**

The given article is analyses of opinions in sciences of the translation and its problems. As nor one science can exist disregarding and use the experience past, work predecessor in corresponding to area, that in the first place necessary use and generalization history

data translation and translation thought, known total of the fight glance and opinions on questions of the translation.

**Key words:** translation, science of translation, analyze.

**Т**аржима илми ҳақида мушоҳада қилганимизда, биз уни фақатгина илмди ўзидан иборат демоқчи эмасмиз. Шу билан бирга, албатта, маҳорат ва санъатни инкор этиш мумкин эмас, яъни таржима билан боғлиқ [1]. Мусиқа илми ҳақида гапириб, ундаги мусиқа турларини, турли ижод йўналишларида яратилган бўлсада, унинг моҳияти санъатда камситилмайди, балким санъат ва мусиқа бир-бири билан уйғунликда шакилланади ва намоён бўлади. Худди шу ҳолатни ҳам таржимада кузатиш мумкин.

Таржима мураккаб жараён, у ҳақда фикр юритганда унинг мавҳум моделларини четлаб ўтиб, биринчи навбатда шуни таъкидлаб ўтиш жоиз, таржима жараёни ҳанузгача нутқнинг киши онгида шаклланиш жараёни каби жумбоқ бўлиб қолмоқда. Аммо таржима амалиётида бажариладиган ишлар икки босқичдан иборат бўлиши аён.

Улардан бири чет тилда битилган аслият матнини идрок этиш бўлса, иккинчиси - матнни таржима тилида тасвирлаб беришдир. "Биринчи босқич инсон бош миясининг фақат таҳлил қилиш қобилияти билан боғлиқ бўлса, иккинчи босқич олинган ахборотни синтез қилишига таянади", - деб фикр-мулоҳаза юритиш ноўриндир. Аслида миянинг ахборотни қабул қилиш ва киши ижод қилиши билан боғлиқ фаолиятини, мулоҳаза юритилаётган босқичларнинг ҳар бирида таҳлилсиз ва синтезсиз тасаввур қилиш қийин. Инсон билишидаги ушбу самарали воситаларнинг диалектик бирлиги чет тилида битилган матнни идрок этиш ва уни таржима тилида ифода этиш мобайнида ҳам намоён бўлади.

Таржима илми, тилшунослик илмининг фақатгина бир қисми ҳисобланиб, у ўз навбатида бихевиористик илмининг бир тури сифатида ифодалангани, яъни унинг мақсади тил ёрдамида инсонни мулоқотда феъл-атворини тасвирлаб бериш ва унинг ўрнини кўрсатиб беришни англатади. Бироқ таржима илмини таҳлил қилганимизда, тилшунослик илмидаги қолган соҳалардан фарқини кўраемиз. Шу маънодаки унда камида икки тил бўлади ва улардаги терминлар ўрганилади, яъни бир тузилишга эга бошқа воситалар орқали ифодаланган. Шундай қилиб таржима илмининг қиёсий тилшунослик билан кўп ўхшаш тарафларини борлигини кўриш мумкин. Лекин нима бўлганда ҳам таржимада асосий таянч уни тузилишига қаратилади, шундан келиб чиқиб унда семантик омиллар етакчи ҳисобланади, бироқ қиёсий тилшуносликдаги анъанавий ёндошув ҳақда бундай фикр айтиб бўлмайди. Ундан ташқари, таржима лингвистик соҳадаги бошқа ёндошувлардан фарқли ҳисобланиб, шу маънодаким, у тириклик билан коммуникацияда бўлади, яъни аудиторияга йўналтирилган, унда мулоқат ўрганилаётган объектда бошқа лингвистик ва маданий даража бўлади. Бу ўз тнавбатда тил соҳибининг ўзига хос жиҳатларини, хусусиятларини ўрганишни талаб этади таржима жараёнида ("қабул қилувчи" мулоқатда), унинг маданий ва шунга ўхшаш жиҳатларини, яъни у ҳақда тўғри маълумот етказиш мақсадида. Шундай қилиб, маълумот қабул қилувчини жавоб қилишда динамик омилларни инобатга олмасдан таржимага тўғри ёндошиш бизнинг фикримизча нотўғри. Шу маънода, таржимани илмий тадқиқ қилишда уни қиёсий тилшуносликнинг бир оқими сифатида қабул қилиш мумкин, яъни унинг асосий объекти контекста ўрганилаётган динамик мувофиқликнинг

семантикаси ҳисобланади.

Таржимага анъанавий ёндошувлар. Таржима масаласига анъанавий ёндошилганда доимо бу жарённда ўзига хос саволлар пайдо бўлади [2]. Аксари вазиятларда адабиёт мунақидлари таржимани аслият тузилишини ифодаланишини тарафдорлари, шунда қатъий туришадики, яъни таржима асар доим ҳам аслиятнинг адекват ўрнини боса олмайди. Бошқа тарафдан, сўз усталари нафақат асар таржимасини ҳимоя қилишган, балким аслиятдан ҳам яхши асарни таржимасига эришганлар [3]. Таржимада доим у ёки бу даражада мазмунда ўзгариш кузатилади, бу ҳақда мунозара бўлиши ҳам мумкин эмас; бироқ, бундай ўзига хос хусусиятни мулоқот жараёнида бир тилнинг ўзида ҳам кузатиш мумкин. Таржимоннинг мақсади бундай жараёни минимум даражада бўлишлигини таъминлашдан иборат. Унинг вазифасига аслият асарни яхшилашдан иборат эмас, балким иложи борича аслиятга яқин эквивалент асар таржимасини яратишдан иборат, яъни таржима қилинаётган тилда.

Баъзи адабиёт мунақидлари ва таржимонлар таржимада диққатини адабий қадр-қимматга қаратишган, ва таржимани - санъат деб таърифлашган, бу ишни фақат сўз ижодкорлари амалга ошира олади ва таржима қилишда асосан эстетик мезонларга таянишган [4]. Шу сабабдан мазкур мунақидларнинг фикрига кўра, ҳар қандай таржима илми ҳақида гап борилса ёки таржима малакасини ўрганиш назарда тутилса ҳам, нишонга нотўғри урилади деган хулоса қилинади. Яхши таржимонлар эстетик хусусиятга эга бўлиш керак деган фикрни айтган мутахассислар билан баҳс қилиш бизнинг наздимизда тўғри бўлмайди, яъни таржима жараёнида фойдаланиладиган. Бундай эстетик хиссиётни ўрганиш умуман олганда, мураккаб жараёнлардан бири ҳисобланади. Бироқ, таржима маҳоратини машқ қилиш ва малакани шакиллантириш орқали мукаммаллаштириш имкони мавжуд; таржимонни бадий имкониятларини тизимла амалиёт орқали шакиллантириш мумкин, яъни аниқ бир мақсадни рўёбга ошириш орқали. Таржимада кўп тарқалган ёндошишлардан бири бу "филологик" ёндошув десак хато бўлмайди. Айнан шу ёндошув "Babel" журналининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади, яъни таржимонларнинг расмий Халқаро Федерация бўлмини. Мазкур журналнинг аксари мақолаларининг мақсади бир қатор амалий муаммоларга филологик принциплар асосида ечим топишдан иборат бўлиб, яъни таржимонга кўндаланг бўлган муаммо назарда тутилмоқда (муҳакама қилинади, мисол келтирилади, нутқ турлари, риторик саволлар, аллюзиялар, цитаталар в.б.). Умуман олганда журналнинг ёндошиши фойдали эмперик билимларни ўрнатиш ёки қандайдир маслаҳатлар келтириш, яъни тиллараро тизимли фарқни кўрсатиш мақсадида [5].

ўарбий Европа ва АҚШда таржимага лингвистик ёндошув. Таржимага лингвистик жиҳатдан ёндошув ўарбий Европа ва АҚШда [6] нисбатан олинганда кечроқ пайдо бўлган. Бунга қатор сабаблар бор. Биринчи навбатда, лингвистлар амалий таржима билан шуғилланишмаганлар ёки таржимонларни ўргатишмаганлар; бу вазифаларни амалага ошириш бошқа анъанавий йўналишдаги соҳа мутахассислари томонидан амалга оширилган - яъни филологлар, бу ерда асосий ўрганиладиган жиҳат адабий шакл ва воситалар ҳисобланган, ўзининг тил таркибини таҳлил қилиш эмас. Иккинчи навбатда, XX асрнинг 30-40 йилларида аксари лингвистлар ментал таъсир остида бўлишган ва тилнинг тузилишни муҳокамаси билан банд бўлишган, шу сабабдан, улар тилни тузилишини ўрнатишни инкор қилиб, тилни

шаклига эътибор қаратишган. Шу маънода лингвистлар семантикага кам эътибор қаратишган ва ундан ҳам кам эътиборини қиёсий таҳлилга қаратишган, яъни тузилишга тахмин қилинган, шаклга эмас.

Таржимага лингвистик принциплар нуқтаи назардан ёндошган олимлардан биинчиси бу Ю.Найда (1947) ҳисобланади. Бироқ бу таржима муаммосига ёндошувнинг прагматик моҳиятга эга хусусияти эди, умумий назарияни ишлаб чиқариш эмас. Дж. Касагранде (1954) ва К. Вёгелин (1954) таржиманинг баъзи антропологик аспекти билан қизиқишган; лекин уларнинг ёндошувлари бир-бириникидан жуда фарқли эди, улар зарур бўлган методларни таклиф қилишган, яъни улар ёрдамида таржимани ўрганишни имконияти мавжуд бўлган. Ж. Вине ва Дарбальнэ (1958) бир қатор муҳим лингвистик принципларни қўллашди, яъни амалиётдаги туғиладиган инглиз тили ва француз тилида туғиладиган қийинчиликларга нисбатан. Бу олимларни мақсади таржима назариясини яратиш бўлмаган, лекин улар қиёслашни тизимлаштиришда аҳмиятга эга ишланмаларни киритишган.

Техник адабиётлар таржимаси соҳасида Р. Юмпельт (1961) зарур бўлган ҳаракатни амалга оширди, у лингвистика ва филологиядаги баъзи принципларни бирлаштиришга ҳаракат қилди; аммо бу ҳолатда, биз фақат махсус қоида шакиллантириш масаласини кўрамиз, умумий принциплар ёки фундаментал назарияни шакиллантириш муаммосини эмас. "Meta" журнали Монреаль университетида чоп этиладиган, инглиз тилидан ва француз тилидан тариха қиладиганларга кўмак сифатида, амалиётда туғиладиган муаммолар юзасидан кенг маънода лингвистик соҳадаги фикрларни келтириб мазкур масалаларини ечимини топишни ҳаракат қилишни таклиф қилган. Ю. Найда (1964) таржимадаги муаммоларни ўрганиш мақсадида лингвистик ёндошувларни янада мукамалроқ тадқиқ қилди, шу асосда Дж. Кэтфорд (1965) таржима назариясининг соф лингвистик ишланмаси нашр этди. 1969 йили Ю. Найда ва Ч. Тейбернинг "Таржима назарияси ва амалиёти" китоби чоп этилди, бу китобда назарий хулосалар яна ҳам мукамаллаштирилиб келтирилган, таржимадаги лингвистик жиҳатларни қўлланилиши аниқ ифодаланган, асосий эътибор граматик мазмунга, семантик тузилишга эга компонент таҳлилга ва нутқ таҳлиliga қаратилган.

Амалий нуқтаи назардан бир қатор мақолалар "The bible translator" да нашр этилган. Жумладан, Ёзги лингвистик Институтини ҳам қатор мақолаларди нашр қилишга эришишган, яъни улардаги таржима муаммоси махсус библиядаги таржима масаласига қаратилган, ва у "Таржимон қайди" мавзусида чоп этилган Дж. Бикман редакцияси остида.

Кўп ҳолларда таржима назариясининг назарий ишланмаси мошина таржимасининг таъсири асосида ривожланди [7]. Лекин мошина таржимасининг олдинга илгарилаб кетиши амри маҳол эди, чунки дастурлаш муаммолари ундан ҳам кўпроқ бўлган, ҳозирги кунга келиб маъмум миқдордаги энтузиастлар мошина таржимасининг амалиётда белгилангандан ташқарига чиқиб ривожланади деган фикрда бўлиб келмоқдалар. Нима бўлганда ҳам мошина таржимаси орқали керак бўлган маълумот назариясига дучор бўлинди, шу орқали имуплс, ортиқча ҳаракат ва эҳтимолларни назарияси масаласига нисбатан индуктив фикрлаш учун назарий асос ишлаб чиқилди.

Барча бу таржиманинг амалий ва назарий вазифалари иккита асосий назарий ёндошувга асос солиш имконини яратди: 1) бевосита таржима; 2) билвосита

таржима.

Бевосита ва билвосита таржима орасидаги фарқ образли воситаларнинг қайта ифода этилишида кўпинча яққол сезилиб туради. Бевосита аслиятга таяниб ишлашга эришган таржимоннинг таржима майдонида мустақил ижод қилиш доираси кенгаяди. Билвосита таржима асосида иш юритувчи мутаржим эса аслиятни рус тилига ағдарган таржимонга тобе ҳолда ижод этади ва аксар ҳолларда, ўзбек тилининг табиати образли воситани аслиятга мутаносиб ҳолда қайта ифодалашга имконият берадиган, аслият ва ўзбек китобхонининг фикр тарзи бир хил кўчадиган ўринларда ҳам, аслиятдан беҳабарлиги сабабли, ўзи сезмай, образли воситани ўзбек тилига акс эттирмай қолади [8].

Тадқиқот натижасида шу аниқландики, таржимани амалга оширишда алоҳида-алоҳида, лекин бир-бири билан тор маънода боғлиқ уч жараён орқали амалга ошириш мақсадга мувофиқлиги белгиланди. Улар қуйидагилар: 1) таҳлил 2) ўтиш 3) тузилишни ўзгариши

Таҳлил. Таҳлил жараёни синтактик ва семантик маълумотлар таркибини талқин қилишдан иборатдир. Синтактик таркиб бу ташқи таркибни ядровий асоси ёки аниқроқ қилиб айтганда ядро атрофидаги таркиб ҳисобланади. Мисол учун бунга қуйидагини келтириш мумкин, John...preached the baptism of repentance unto forgiveness of sins (Марк I, 4) трансформация кўриниши: John preached: Repent and be baptized, so that God will forgive the evil you have done ёки тўғридан-тўғри бўлмаган шакли: John...preached that the people should repent and be baptized so that God would forgive them for the evil they had done (be baptized пассив ҳолатида сақлаб қолиш масаласи, бу тилнинг шакли билан боғлиқ, яъни таржима амалга ошириляётган тилга). Бундай ортга қайтариловчи синтаксик трансформация тўртта асосланган семантик категорияларга таянади: 1) объектлар (мисол учун man, woman, tree, house, rock); 2) ҳаракат (воқелик) (мисол учун run, walk, see, think, talk); мавҳум тушунчалар (мисол учун асосан объект ва жараёни сифат ва сони мисол учун good, tall, fast, once, ten) ва охири 4) боғловчилар (мисол учун in, by, when, because and therefore), булар турли семантик бирлик ёки бўлмасам кўпликни бирлаштиришда қўлланилади. Амалиёт нуқтаи назаридан келиб чиқилса одатда объект от сўз туркуми, ҳаракат - феъл сўз туркуми, мавҳум тушунчалар бу - сифат, равиш (ёки кўп тилларда статив феъллар), боғловчи сўзлар бўлса, предлоглар ва сўзни-сўзга боғловчи боғламалардир.

Таҳлил жараёнида матндаги семантик ва ҳис-туйғули мазмуннинг жамики объектив ҳажмини англаб етиш имконини берувчи билим ва эстетик идрок савиясига эга бўлиш рецептор сифатида чиқадиган таржимон учун жуда муҳимдир.

Таҳлил жараёнида мабодо, таржимон билимларининг захираси чекланган, ҳис-туйғули, тафаккури заиф бўлса, матнни идрок этиш қобилияти унда етишмай қолиши мумкин. Агар таржимон ўхшаш камчиликларга гирифтор бўлмаган бўлса, аслиятни нисбатан тўлиқ идрок этади. Матнни идрок этиш даражасидаги фарқ ва ушбу жараёнинг индивидуал-шахсий жиҳатдан ўзига хослигида тафовут бўлиши туфайли битта аслиятнинг айни бир вақтда турлича ва айтарли эквивалент таржималари юзага келади.

Шундай савол бериш мумкин нимага таржимада қайта ишланган маълумот ядро атрофидаги даражада яқун топади? Нима сабабдан трансформация жараёнини туб тузилишигача амалга оширилмайди (чуқурроқ таҳлил қилиш назарда тутилмоқда), яъни қаерда биз соф семантик универсалиялар билан иш олиб

борамиз? Бундай мақсадларни мантиқий ўтишда кузатиш мумкин. Назарий нуқтаи назардан бу методни тўғри деб айтиш мақсадга мувофиқдир, чунки тилни туб тузилиши семантик универсалиялар тўпламидан иборатдир деб келтириш мумкин. Бироқ, бундай методикага бир неча муҳим амалий қаршилиқ мавжудлигини ҳам айтиш жоиз. Биринчи навбатда ядровий даражадан яна ҳам чуқурроқ босқичга ўтиш масаласи, бу ўзига яраша мураккабликларни келтириб чиқарувчи жараён ва уни осонлик билан енгиб ўтиш қийин ҳисобланади. Лингвистик жиҳатдан уни "стигик тўсиқ" деб айтиш ҳам мумкин. Ундан ташқари, бу жараёнда амалга ошириладиган қадамни тури кўп ва мураккаб. Шу билан биргаликда кўпол, бесўнақай жараёнлардан ҳам фойдаланишга тўғри келади, улардан фойдаланишда бошқа натижага эришишдан сақланиш лозим, яъни бу натижага ядровий ёки унинг атрофидаги босқичда эришиш мумкин. Кейин уни чуқурроқ таҳлил этиш давомида натижани самарали амалга ошириш имконияти пайдо бўлади, агарда ёзма манбалар билан ишланса, лекин бу жараёнга кетадиган вақтни таржимонда топиш қийин масалалардан биридир. Агарда шундай символлар бўлса, таржимон улардан бемалол фойдалана олиб таржима жараёнида уни турли образларда ифода этишга имкон топади ва бу унинг учун жуда қўл келади, бироқ бундай символни топиш масаласи ҳам таржимонни ўйлантириб қўяди. Вароқда ифода этилган формулалар бунинг учун етарли ҳисобланмайди. Шу билан бирга, таржимон икки тил ўртасидаги фарқ ва ўхшашларни баҳолашни ядро атрофидаги даражада амалга оширади. Бироқ мазкур даражада қандай ҳолатдан бўлишдан қатъий назар таҳлил қилиш амалга оширилади, агарда чуқурроқ таҳлил қилиниб яна ядро атрофидаги таҳлилга қайтарилганда тилда, мазкур жараён таржимада бўлади.

Синтаксик таҳлил билан биргаликда семантик таҳлилни ҳам амалга ошириш зарур ҳисобланади. Бу таҳлил биринчи навбатда лексик (сўз ва сўз бирликлари билан боғлиқ бўлган) бирликлар асосида семантик таркибда амалга оширилади. Бундай лексик бирликларни таркибини аниқлаш бошқа сўзлар билан қиёслаш асосида аниқланилади, яъни у шу семантикага яқин сўз бўлиши ёки унга яқин алоқадорликда бўлиши лозим. Бунда шу назарда тутиладики: 1) сўз, бир-бирига семантик жиҳатдан яқин доирада бўлиш лозим (мисол учун, run, walk, jump, hop); 2) сўз, семантик майдонда кесишиб ўтади (мисол учун, peace ва tranquility, joy ва happiness, power ва strength); 3) сўз, семантик майдонда бир чегарада ифодаланилади (мисол учун, бир доира таркибида ифодаланиладиган сўзлар animal, mammal, dog ва poodle). Сўзлар ўртасидаги таркибий муносабат, яъни улардаги бир-бирига қарама-қаршилиқлар, мисол учун good ва bad, rich ва poor, tall ва short бир-бирига таркиб жиҳатдан яқин бўлган сўз брикмалар таҳлилда фойдали бўлади.

Яна шуни ҳам эътироф этиш жоизки тузилиш жиҳатдан бир-бирига алоқадор сўзлар, яъни уни қарама-қаршисини ифодоловчи сўзлар (антонимлар), мисол учун rich ва poor, good ва bad, tall ва short, бундай сўзлар бир-бирига яқин маънони таҳлил қилишда таржимон учун қўл келади.

Семантик таркибни турлича таснифлаш мумкин. Мисол учун, умумий таркиб ҳақида гапириш мумкин (жумладан мавжуд лексик бирликларни қиёсланиши), таркибий ташҳис (таркибий таснифнинг барча қисмида учрамайдиган, лекин бир ёки ундан кўп учрайдиган), таҳлилий таркиб (бир ёки ундан ортиқ, лекин барча таснифлашда учрамайди) ва тўлдирувчи таркиб (яъни лексик бирликни бошқа контекстда аниқлаш ёки сўзни аниқлаштириш учун керак бўлади). Бу

тўлдирувчи таркибий қисмлар аксарият вазиятларда лексик бирликни коннотатив аҳамиятини англантиб келади.

Семантик таркиб таҳлили ички таркибий қисм тузилишини кетма-кетлигига ҳам тегишли бўлиши лозим. Бу кетма-кетлик тартибсиз бўлиши ҳам мумкин, чунки унинг таркибидаги сўзларнинг алоқадаги қардошлигини ҳисобга олинса. Аксари таркибий қисмлар бўлса, тартибли бўлади бироқ мунтазам эмас. Мисол учун *rescue* сўзини таркибини кўриб чиқамиз 1) "serious plight or condition of A"; 2) "strenuous efforts (unless otherwise marked by someone other than A)" ва 3) "resulting safe condition of A".

Қатор лексик бирликларни таҳлил жараёнида мисол учун *speak, sing, whistle, whisper* ва *hum* шу аниқланадики *whisper* ва *hum* сўзининг таркибий қисми қуйидагилардан иборат бўлади: 1) "the use of the vocal apparatus" 2) "employment of speech"; 3) "all of which are voiceless". Бу қаторда биринчи таркибий қисмни марказ деб айтса бўлади (ёки бўлмаса ядровий ҳам деб айтиш мумкин). Иккинчи таркибий қисм биринчисини чегараси деб таҳмин қилиш мумкин, учинчиси бўлса - иккинчисини. Бошқача қилиб мазкур таркибий кетма-кетликни таърифлаганда, уни константа деб таъриф бериш мумкин, яъни оғиз орқали қатор товушларни талаффуз қилиш имконини беради (мисол учун хириллаш, йўтал, қичқириқ ва пичирлаш) ва шу товушлар турларининг бири бу нутқ товуши ҳисобланади. Нутқ одатда жарангли ва жарангсиз товушлар кетма-кетлигида ифодаланишни таҳмин қилади, ҳаттоки ифодаланишда ҳамма товуш жарангсиз ифодаланиши ҳам мумкин; бу ҳолатда биз "whisper" терминини қўллаймиз, яъни нутқ аппаратларида ўзига хос ифодаланишини кўрсатиб беради.

Таҳлил жараёнини асосий босқичи деб таркибий қисмларида лексик бирликлар аҳамиятини семантик таркибда таҳлил қилиш ҳисобланади, шундагина таржима қилинаётган тилга ва тилдаги сўзларни ўхшаш ва фарқли жиҳатларини аниқлаш имкони яратилади, яъни таржима қилинаётган тилда. Агарда бу аҳамиятда минимал даражадаги белгилар бўлинмаса, унда таржима жараёнида умумий кўриниш ҳосил бўлади, яъни таржимадаги мослик ва хослик ўз ўрнида ифодаланмайди, таржимада тасаффуз тўлиқ акс этилмайди. Яна терминларнинг семантик таркибини таҳлилини амалга оширишнинг афзаллиги шундаки, ядро таркиб кўринишидагига ўхшаб, уларда семантик ақл бовор қилмайдиган даражада ўхшаш бўлади. Бу таркибий қисмларни ўзига хос хусусиятларини, алоҳида лексик бирликларда тўлақонли мос келади дегани эмас. Бироқ, аксари таркибий қисмлар, айниқса умумий тушунларни ифодалайдиган, мисол учун *event, object, mass, countable, animate, inanimate, human, animal* ва бошқа шунга ўхшаш тушунчалар кенг тарқалган. Ундан ташқари шунга ўхшаш ўзига хос хусусиятга эга таркибий қисмларда терминларнинг таркибий қисмларини таҳлил қилиш осон кечади. Буларнинг барчаси асосида семантик таркиб тузилишини таққослаш мумкин.

Реал амалиётда таржимон сўзни таржима қилиш керак эмас (ёки лексик бирликни), балким семантик таркибий кетма-кетликни. У таржима жараёнида бир сўз ёки термин маъносини ифодоловчи эквивалент сўзни топа олмаслиги мумкин, лекин шу сўзни ифодалаб берувчи семантик таркибни, таржима амалга оширилаётган тилда ифодалаб бериш имониятига эга бўлади. Бошқача қилиб тушинтирганда, бошланғич таржимани таржимон лексик бирликларни таркибий тузилишини тақсимлашда яқуний таржимада, тўғри йўналишга эга бўлади.

Семантик таркибни бундай ўрганиш, турли белгилар йиғиндиси сифатида,

лексик бирликларни "аниқлаштирувчи", маълум даражада фонемани турли белгилар йиғиндисининг симболи сифатида ифодалаш мумкин, яъни физиологик терминларни ишлаб чиқувчи, ёки акустик хусусиятига эга бўлган терминларни таҳлил қилиш жараёнида.

Юқоридаги мулоҳазадан келиб чиқиб, қўйидагини хулоса қилиш мумкин, таҳлил жараёни ҳалиханузгача асосан грамматик тузилиш ва семантик таркибни ўрганиш билан чегараланган ва бу бизнинг наздимизда маълум чегараланганликни ифода этмоқда, демак таҳлил жараёнида нутқ таркибини ҳам четдан чиқармаслик кераклигини изланишимизда ўз аксини ифода этди. Бироқ бундай мулоҳазани ҳар доим ҳам ифодалаб бўлмайди. Шу сабабдан грамматик тузилиш ва семантик таркиб таҳлил қилинганда, нутқ тузилишини ҳам эътибордан чиқариш керак эмас. Демак, эски концепция орқали лингвистик изланишда, мураккаб тузилишга эга семантик ва синтаксик бирликларни кетма-кетлиги ва мослаштириш жараёнини амалга ошириш қийинлигини ифода этади.

Нутқ турларини таҳлил қилиш икки асосий тузилишни фарқлаш имконини берди. Улар қўйидагилар: 1) дарак берувчи ва 2) тушунтириб берувчи. Дарак берувчи нутқ кетма-кет алоқадорликдаги воқеъликда тузилади. Тушунтириб берувчи нутқ тузилиши бўлса, ўзаро умумий ва алоҳида тасдиқда боғланган, асосий мавзуга боғлиқ гапдан кейин гап келадиган, яъни маълум олдинги гапни қисмларини ифодалайдиган ва такрорлайдиган, уни тушунтириб берадиган (баъзан мисол келтириш орқали ифодалаб беради, ўзидан олдинги гапни тўғрилигини исботлаб бериш маъносида).

Барча тилда ўзига хос хусусият ўлчоалари борки, бу асосий нутқ тузилишлари билан мос келади. Бу ўлчов турли назм шаклларида тузилади, мисол учун, эпик, лирик, дидактик, мақол, матал ва бошқаларда. Бу масала юзасидан Р.Якобсон тўғри фикр келтирган, яъни у айтади: фикрнинг параллеликдаги шакли бу юқорида келтирган нутқ тузилишларнинг универсал тузилиши [9].

Дарак берувчи нутқ қатор ўзига хос хусусиятларга эга, яъни турли шаклларда ифодаланувчи, лекин доим қайтариладиган мойилликга эга бўлган. Улар қўйидагилар: кириш сўзлар, иборалар ва ҳаттоки гаплар, улар биринчи навбатда вақт ёки замонда асос ҳосил қилишади; 2) кичик ва катта лавҳалардан ўтиш жараёнида; 3) ҳаракатдаги шахсларда кетма-кетлик занжирини ташкиллаштиришда, яъни қириш қисмида маълум мисолларни тахмин қилувчи, саҳнадан уларнинг ҳаракати ва хулосасини кузатиш жараёнида; 4) занжир кетма-кетлик ҳаракати марказдан кўчишини таъминловчи махсус мисоллар орқали ифода этилади; 5) идрок этиш маркази ва идрок этиш орти (фон); 6) ўзига хос белгиланиш; 7) якуний изоҳ. Шуниси аниқки, ҳеч қайси таржимон нутқ тузилишларига келтирилган умумий нутқ таркибига эътибор қилмасдан мурожаат эта олмайди (яъни таржима амалга оширилаётган тилда).

Кенг маънодаги нутқ тузилиши ҳақиқатдан айтилганда "услуг"ни асосий ташкил этувчи қисми ҳисобланади. Илгари филологлар томонида асар муаллифларидаги ўзига хос сўз ва ибораларга бўлган қизиқишини аниқлашган, яъни шу ўзига хос сўз ва иборалар орқали уларнинг услубини фарқлаш маъносида. Бироқ, ўзига хос нутқий тузилишдаги ёндошув стилистик кўрсаткичини ишонарлилигини ифодалайди. Буни ифода этишда компетентли таржимон юқорида келтирилган мураккаб нутқий тузилишни англаши лозим.

Кўчиш. Бошланғич тилдан маълумот ўтишда ядро атрофидаги даражада таржимон

баъзи қочиб бўлмайдиган қийинчиликларга дучор бўлади. Аксари ҳолатларда бу қийинчиликлар қуйидагилар ҳисобланади: 1) ўзига хос хусусият ва аниқликдаги даражалар фарқида ва 2) шакл ва хусусиятдаги мувофиқлик мавжуд эмаслигида.

Ўзига хос хусусият даражасидаги фарқ мураккаб ҳам бўлиши мумкин. Мисол учун, бушмен тилида бирор нарсани "кўчиши" ҳақида фикр юритиб бўлмайди. Уларда кўчишни аниқ ифодалаб бериш керак у бошда амалга ошириладими, бармоқлардами, ёки кўлдами в.ҳ. Бошқа тарафлама ўрганилса бир термин мисол учун гўшт, ёввойи ҳайвонлар учун бошқа ҳам ифода этади. Аксари ҳолатларда таржима қилинаётган тилдан, яъни бошланғич тилда объект ва ҳодисани келиб чиқиши аниқ ифодаланмайди. Бу вазиятда таржимон фикрни аниқлаш мақсадида, матнга мос келадиган фикрни ифодалаш учун, ўз малакси ва тасаввурини ишга солиши лозим.

Таржимон учун одатий қийинчиликлардан бу шакл ва хусусиятдаги мувофиқлик мавжуд эмаслигидир. Мисол учун Конго ва баъзи тилларда "кўкракка уриш" афсусланиш, ачинишни ифодаламайди, балким манманлик, мақтанишни ифодалайди. Бунда шакл мавжуд, лекин унинг хусусияти бошқа нарсани ифодалайди. Яна Конго тилида "бошга уриш" афсусланиш, ачинишни ифодалайди. Бу ҳаракат инглизларникидан фарқланади, бу ҳолатда хусусият мавжуд шакл ва аҳамият бошқача.

Тузилишни ўзгариши. Тузилишни кўчишидан сўнг таржима жараёнида таржимон томонидан амалга оширилган ҳаракатлар, яъни кўчиш жараёнида ўзгартирилган сўз ва иборалар яқинда мазмунга таъсири қай даражада бўлаганлигини ифодаб бериш, яъни аслият таржимадан фарқни кўрсатиш тузилишни ўзгариши ҳисобланади. Бу ерда фақат бир асар назарада тутилмайди. Юқорида келтирганимиздек тузилишни ўзгариши бир сўз, ибора ва гап доирасида ҳам амалга оширилади.

Тузилишни ўзгариш жараёнида асосий урғуни услубга қаратиш лозим, сабаби усубни ўзгариш таржима сифати таъсир қилади. Аксариятга асосан таржимада эътибор тузилишига қаратилади деб туйилиши мумкин, бу шундай ҳам, ўқувчилар учун таржима услуби, яъни асарнинг ёзилиш усуби қизиқтиради, тузилиши эмас.

Таржимани текшириш. Таржимада охириги қадамлардан адекват таржима амалга оширилганлигини маълум доирадаги усуллар ёрдамида текшириш ҳисобланади, яъни таржима аслиятга мос келиши ва кўрсатилган вазифани бажара олишини аниқлаш мақсад қилинади. Таржимани уч жиҳати ажратиб олинади, уларни текшириш мумкин ва бу жараён амалга оширилиш лозим: 1) аслият матнга яқинлик даражаси, 2) тилдаги "яқуний" кўрсаткичларни мослиги ва 3) таржима қилинган тилларда мантиқий юкламанинг кўрсаткич даражаси.

Аслият матнга яқинлик даражасини таҳлил қилиш қуйидаги икки метод орқали амалга оширилади: 1) матнни асосий тузилишини синчиклаб солиштириш, 2) аслият ва таржимадаги фарқлар даражасини баҳолаш ва ҳажмини солиштириш. Бу билан биз барча ҳажми катта таржималарни яхши демоқчи эмасмиз: одатда яхши таржима аслиятдан ҳажм жиҳати билан катта бўлади. Бунинг учун бир неча муҳим сабаблар мавжуд. Барча тиллардаги маълумотлар оқими умуман олганда бир ҳил бўлади, аксари тилларда таҳминан 50% да барча босқичларда ортиқча бўлади (фонетика, грамматика, лексика). Таржимани амалга оширишда аслиятда берилган маълумотни етказиш билан чегараланиш керак эмас, балким таржима қилинаётган тилдаги қўшимча моҳияти ва категориясини аниқлаштириб бериш

керак. Ҳар қандай бошланғич маълумотда кўп нарса ифодаланмаслиги мумкин, яъни иштирокчилар умумий маълумотга эга бўлади. Бироқ матнни бир тилдан бошқасига таржима қилинаётганда имплицит маълумот аксарият вазиятларда эксплицит маълумотга айлантириш керак, яъни бу жараён тўғридан-тўғри матнга киритиш орқали амалга оширилади (агарда бу маълумот контекст доирасида имплицит ҳисобланса) ёки сноска тарзда изоҳ киритилади, яъни умумий хусусиятига ва маданий жиҳатлар эътиборга олинган ҳолда.

Жумладан, тил матнини таржима қилинаётган тилга мослик даражасини текшириш қуйидаги икки метод орқали аниқланиш мумкин: 1) баъзи калитли белгиларни статистик тарзда солиштириш ва 2) "берк сўз" техникасидан фойдаланиш. Баъзи белгиларни статистик методни қўллаш орқали текширишда матн якунида баъзи белгиларни олиб солиштириш лозим (мисол учун, гапнинг узунлиги, эргаш гапларнинг сони, кўмакчиларни қўлланилиши, феъл билан боғлиқ бўлган, сифатдошларни тузилиши такрорланиши шунинг жумласидан). Агарда фарқ 10-15% кўрсаткичдан ошиб кетса унда жиддий қийинчиликларга эътиборни қаратиш керак, таржимада тузилиши мутаносиблигини кўриб чиқиш керак бўлади.

Таржимани текширишда самарали ёндошувлардан бири бу "берк сўз" техникаси ҳисобланади, уни ёзма ва оғзаки маълумотларда ҳам қўллаш мумкин [10]. Бу методни амалга ошириш жараёни одатда матндан ҳабари борларга тарқатиш орқали бажарилади, матн 250 сўздан иборат бўлиши керак ва ундан ҳар бир бешинчи сўз беркитилган бўлиши лозим. Сўнгра матндан ҳабари борларга берк жойларни тўлдирилиш сўралади. Қанча аниқлик билан мазкур жараён амалга оширилса, шунчалик матнни таҳлил қилиш жараёни осон кечади. Шу орқали ҳар бир матн текшириб солиштирилади ва таржима қилинган матндаги тушунчаларнинг қийинчилик даражаси белгиланиб берилади.

Тилшунослик ва таржима. Тилшунослик илми таржима олдида қатор истиқболи ва янги методлар билан таъминлади, яъни улар орқали таржима жараёнини таҳлил қилишни ва баҳолашни самарали амалга ошириш имконини яратди. Тилшуносликда икки соҳа мавжудки уни тадқиқ қилиш асосида келажакда таржима назарияси равнақи учун ҳизмат қилади. Улар семантик таркибий қисм ва нутқ тузилишини таҳлил қилишдир.

Нутқ тузилиши масаласи юзасидан олиб борилган оҳирги тадқиқотлар шуни кўрсатдики, бу соҳада тил тузилишининг аҳамияти катта, таҳмин қилингандан нисбатан. Ундан ташқари аксари нутқ белгилари маълум бўлишича универсалилар бўлиб чиқди, ўрганилган тиллар ичида. Бу борада тиллараро босқичда амалий таржима масаласида қатор муаммоларга ойдинлик аниқлик киритишга ёрдам беради. Балким, айнан шу нуқтада таржима илми инсонлар тилини тушунишда ва ҳулқ-атворини англашда муҳим ҳисса кўшади.

## Адабиётлар

1. Nida E.A. Toward a science of translating, Leiden, 1964. P. 3-10
2. Gutttinger F. Zielsprache. Zurich, 1963.
3. Тарасова И.А. Категории когнитивной лингвистики в исследовании идиостиля [Текст] / И.А. Тарасова // Вестн. Самарского гос. Ун-та. Сер. Языкознание. - 2004. - № 1. - С. 163-169.

4. Taber Ch. R. Traduire le sens, traduire le style / Ch. R. Taber // Langage, №28, 1972. - Paris: Larousse, 1972. - P.55-69.
5. Ure J., Roger A., Ellis J. An exercise in the use of descriptive linguistic techniques in literary translation. Babel, 15. 1969.
6. Toury G. In Search of a Theory of Translation / G. Toury. - Tel Aviv: University of Tel Aviv Publ., 1995. - 204 p.
7. Toury G. Descriptive translation studies and beyond / G. Toury. - Amsterdam: John Benjamen Publishing Co, 1995. - 311 p.
8. Savory T.H. The art of Translation / T.H. Savory. - London: Lloyd House Publ., 1968.- 138 p.
9. Ladmiral J.-R. La poétique... Theoremes pour la traduction / J.-R. Ladmiral, A. Meschonnic // Langue francaise, №51, 1981.- Paris: Larousse, 1981.- P.5-12.
10. Jakobson R. Linguistics and poetics. Cambridge (Mass), 1960.

**СЎЗ САНЪАТИ  
ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ**

---

**МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ  
ИСКУССТВО СЛОВА**

---

**INTERNATIONAL JOURNAL  
OF WORD ART**

**№5 (2019)**

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**

ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амир Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000